

**ФАРГОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc. 03/30.12.2019.Fil.05.02
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ФАРГОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ДЕҲҶОНОВА МАҲСУМА ШАВКАТОВНА

ОЙБЕКШУНОСЛИК ВА УНИНГ ТАРАҚҚИЁТ БОСҚИЧЛАРИ

10.00.02 – Ўзбек адабиёти

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Фарғона – 2021

УЎК: 821.512.133

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление авторефера диссертации доктора философии (PhD) по
филологическим наукам**

**Contents of Dissertation abstract of Doctor of philosophy (PhD) on
philological sciences**

Дехқонова Махсума Шавкатовна

Ойбекшунослик ва унинг тараққиёт босқичлари.....3

Dehqonova Maxsuma Shavkatovna

The studies of Oybek and the stages of its development27

Дехқонова Махсума Шавкатовна

Ойбековедение и этапы его развития.....48

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works.....52

**ФАРГОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc. 03/30.12.2019.Fil.05.02
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ФАРГОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ДЕХҶОНОВА МАХСУМА ШАВКАТОВНА

ОЙБЕКШУНОСЛИК ВА УНИНГ ТАРАҚҚИЁТ БОСҚИЧЛАРИ

10.00.02 – Ўзбек адабиёти

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Фарғона – 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2019.3.PhD/Fil.954
ракам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Фарғона давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, инглиз, рус (резоме)) Илмий кенгаш веб-
саҳифаси (www.fdu.uz) ҳамда "ZiyoNET" Ахборот-таълим порталига (www.ziyonet.uz)
жойлаштирилди.

Илмий раҳбар:

Сабирдинов Акбарали Ғафурович
филология фанлари доктори

Расмий оппонентлар:

Ҳасанов Шавкат Аҳадович
филология фанлари доктори

Тожибоева Муқаддас Абдураҳимовна
филология фанлари доктори

Етакчи ташкилот:

Наманган давлат университети

Диссертация химояси Фарғона давлат университети хузуридаги филология фанлари
бўйича илмий даражалар берувчи DSc. 03/30.12.2019.Fil.05.02 ракамли Илмий кенгашнинг
2021 йил "16" июн соат 13:00 даги мажлисida бўлиб ўтади. (Манзил: 100151, Фарғона
ш., Мураббийлар кўчаси, 19, Тел: (0573) 244-44-29; факс: (0573) 244-44-91; e-mail:
fardu_info@mail.uz) Диссертация билан Фарғона давлат университети Ахборот ресурс
марказида танишиш мумкин (11 ракам билан рўйхатта олинган). (Манзил: 100151, Фарғона
ш., Мураббийлар кўчаси, 19, Тел: (0573) 244-44-94).

Диссертация автореферати 2021 йил "16" июн куни тарқатилди.
(2021 йил "16" июн даги 23 ракамли реестр баённомаси).

А.А.Қосимов

Илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш раҳби, филол.ф.д., профессор.

М.Т.Зокиров

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш хузуридаги илмий семинар
раис ўринбосари, филол.ф.д., доцент

С.Р. Мирзаева

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш хузуридаги илмий семинар
раис ўринбосари, филол.ф.д., профессор.

КИРИШ (Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунё адабиётшунослик илмида ижодкор шахс феномени, ҳаёти, асарларининг яратилиш тарихи, жанр хусусиятларидағи ўзига хосликларини таҳлил ва талқин этиш муҳим амалий аҳамиятга эга. Зеро, ижодий жараённинг тараққиёт кўламини бадиий асарлар таҳлилисиз белгилаш мумкин эмас. Бу ўринда бадиий сўз санъати тадрижида муайян ижодкор ўрнини асослаш, маълум даврга хос адабий жараён ҳақида тасаввур уйғотиш кўзда тутилади.

Жаҳон адабиётшунослигига ижодкор шахси ва унинг асарлари, адабий муҳит, ижтимоий-сиёсий шароит ва ижод жараёнини назарий жиҳатдан уйғунликда ўрганишга эътибор кучайиб бормоқда. Бу эса, ўз навбатида, бетакрор ижод жараёни, ушбу жараёндаги сирли ҳилқат бўлмиш сўз тилсимотлари, ижодкор шахсигагина тааллуқли ҳолат ва кечинмаларни муайян даражада англаш имконини беради. Адабиётшуносликда адабий танқиднинг асосий вазифаси ижодкор маҳорати талқинларини, адабий жараёндаги ўрнини баҳолаш фаннинг назарий асосларини бойитади. Бундай илмий нуқтаи назар, айни пайтда, маълум ижодкор фаолиятига холис ва ҳаққоний ёндашишни ҳам таъминлайди.

Замонавий ўзбек адабиётшунослигига бугунги кунда XX аср ўзбек адабиёти намоёндаларига хос адабий-эстетик қарашларни ўрганиш, янгича талаблар асосида тадқиқ этиш борасида самарали ишлар амалга оширилмоқда. Бу эса, ўз-ўзидан, ижодкор таржимаи ҳоли, илмий-ижодий фаолияти, асарлари, ижодий имконияти, асарларининг яралиш омиллари, ойбекшунослик босқичларини изчил талқин этиш заруратини келтириб чиқармокда. “Адабиёт халқнинг юраги, элнинг маънавиятини кўрсатади. Бугунги мураккаб замонда одамлар қалбига йўл топиш, уларни эзгу мақсадларга илҳомлантиришда адабиётнинг таъсирчан кучидан фойдаланиш керак. Аждодлар меросини ўрганиш, буюк маданиятимизга муносиб буюк адабиёт яратиш учун ҳамма шароитларни яратамиз!”¹. Шундай экан, XX аср ўзбек адабиётшунослиги, хусусан, танқидчилиги адабий-эстетик тафаккур тарихида алоҳида ўринга эга. Адабий жараёнга ўз таъсирини ўтказиб келаётган ўзбек адабий танқидчилиги материаллари ва уларни бирбиридан тафовут этиб турадиган хусусиятларни илмий асослаш муҳим масалалардан саналади. Яқин бир асрлик вакт давомида серқирра истеъодод соҳиби Ойбек ижоди адабиётшунослар томонидан мунтазам тадқиқ этилиб, ойбекшунослик илмининг шаклланишига олиб келди. Ойбекнинг илмий фаолияти ва асарлари тадқики, адабий-эстетик

¹<https://uzreport.news/politics/shavkat-mirziyoyev-alisher-navoiy-nomidagi-ozbekiston-milliy-bogida-barpo-etylgan-adiblar>.

қарашларини ўрганиш босқичларини тизимли таҳлил этиш соҳа ривожида алоҳида аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 13 майдаги ПФ-4797-сон “Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетини ташкил этиш тўғрисида”ги Фармони, 2017 йил 17 февралдаги ПҚ-2789-сон “Фанлар академияси фаолияти, илмий-тадқиқот ишларини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2017 йил 24 майдаги ПҚ-2995-сон “Қадимий ёзма манбаларни сақлаш, тадқиқ ва тарғиб қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2017 йил 13 сентябрдаги ПҚ-3271-сон “Китоб маҳсулотларини нашр этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғиб қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури тўғрисида”, 2018 йил 5 июнданги ПҚ-3775-сонли “Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”, 2020 йил 29 октябрдаги ПФ-6097-сон “Илм-фанни 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида” Фармон ва қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳукуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга муайян даражада хизмат қиласди.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланиши устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг 1. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳукуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Жаҳон адабиётшунослигига ижодкор-олимлар шахсияти, илмий-ижодий фаолияти, адабий-эстетик дунёкараши, уларнинг адабий-танқидий асарлари, алоҳида адиблар ижод намуналарига оид монография, рисола, мақола ва қайдларини таҳлил ва тадқиқ қилишга қаратилган тадқиқотлар амалга оширилган².

²Култышева О.М. Творчество В. Маяковского во взаимодействии с литературным процессом 1910-1920-Х годов: Автореф. дисс...д-ра.филол. наук. – Москва, 2007. – 38 с.; Абрамова О. Г. Творчество Владимира Маяковского в литературе и критике Швеции: Автореф. дисс...канд.филол.наук. – Воронеж, 2013. – 24 с.; Степина. М. Ю. Н.А. Некрасов в русской критике 1838-1848 гг: Автореф. дисс...канд.филол. наук. – Санкт-Петербург, 2013. – 26 с.; Жуковский А.Ю. Т.С.Элиот как арбитр поэзии: литературная критика 1920-х-1930-х гг: Автореф.дисс...канд.филол.наук. – Москва, 2014. – 23 с.; Покотыло.М.В. В.В.Маяковский в оценке отечественной критики и литературоведения: Автореф.дисс...канд.филол.наук. – Ставрополь, 2008. – 19 с.; Крылов.В.Н. Русская символистская критика: генезис, традиции, жанры. Монография. – Казан: 2005. – 327 с.;Чупринин.С.И.Творческая индивидуальность критика и литературный процесс 1960-1980-Х годов: Автореф.дисс...д-ра.филол.наук. – Москва, 1993. – 36 с.; Липныцкая Е.А. Эволюция творчества А.С Пушкина – критика и публициста: Автореф.дисс...канд.филол.наук. – Архангельск, 2011. – 23 с.; Бреева Т.Н. Литературно-критическая деятельность М.А. Волошина: Автореф. дисс...канд.филол.наук. – Казань. 1996.; Худойдоров А. Холик Мирзозода и таджикское литературоведение XX века: Автореф. дисс...д-ра филол.наук. – Душанбе, 2015.; Курбонова С.И. Абдулгани Мирзоев – исследователь истории персидского –таджикской литературы: Автореф. дисс...канд.филол.наук. – Душанбе, 2007.; Егоров П.А, Розанов В.В. Литературный критик: проблематика, жанровое своеобразие, стиль:

Ўзбек адабиётшунослигида Алишер Навоий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур, Оғаҳий, Муқимий, Фурқат, Ҳамза, Қодирий, Чўлпон, Ғафур Ғулом, Ойбек, Ҳамид Олимжон, Зулфия, Аскад Мухтор, Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов ва бошқа ижодкорлар ҳаёти ва ижоди юзасидан тадқиқотлар, монография, рисола ва мақолалар яратилган³. Бироқ буларни умумлаштириб, танқидчиларнинг позициялари, улар қарашларидаги муштараклик ва тафовутлар, танқидий ишлардаги замона муҳри, мунаққидлар ҳукмларидағи ҳозиржавоблик, улардаги холислик каби муваффақиятлар яхлит монографик тарзда тадқиқ этилмаган. Ойбекшунослик ҳақида ҳам худди шундай фикрларни айтиш мумкин. Ҳолбуки, Ойбек ижоди XX асрнинг аввалидан (биринчи ярмидан) то бугунги кунимизга қадар мунаққидлар эътиборида бўлган, кўплаб тадқиқотлар майдонга келган. Шунингдек, кейинги йилларда ҳам Ойбек ижоди бўйича қатор ишлар амалга оширилган⁴.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация Фарғона давлат университети илмий-тадқиқот ишлари режасининг “Поэтика муаммолари” мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади. Ойбек ижоди тадқиқи билан шуғулланган XX-XXI аср адабиётшуносларининг монография, диссертация, рисола ва мақолаларини изчил тарзда тадқиқ ва таҳлил этиш, турли фикрларни қиёслаш жараёнида ойбекшуносликнинг тараққиёт босқичларини ижтимоий-сиёсий жараён билан боғлиқ ҳолда ўрганишдан иборат.

Автореф. дисс....канд.филол.наук. – Москва, 2002.; Луков В.Л. Академик Д.С.Лихачев и его концепция теоретической истории литературы. – Москва, 2011.

³Каримов Н.Абдулла Қодирий замондошлари. – Тошкент: Akademnashr, 2020. – 320 б; Кувонов З.О. Абдуқодир Ҳайитметовнинг адабиётшунослик фаолияти: Филол. фан.бўйича фалсафа доктори (PhD)... дисс. автореф. – Самарқанд, 2020. – Б 26.; Ҳабохунова Р. Академик Азиз Қаюмовнинг “Ҳамса” тадқиқига ёндашув мезонлари // Алишер Навоий ва XXI аср. Ҳалкаро конференция материаллари. – Тошкент, 2019. – Б 324-327.;

⁴Ҳусайн С. Танланган асарлар. – Тошкент: Ғ.Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1974. – Б.36-37.; Ёкубов Ҳ. Ойбек лирикасида ғоявийлик ва маҳорат. – Тошкент: Ўзфанакаднашр, 1963. – 188 б; Ёкубов Ҳ. Адибнинг маҳорати. – Тошкент: Фан, 1966. – 311 б; Ёкубов Ҳ. Ойбек реализми. – Тошкент: Ўзбекистон, 1985.– 38 б.; Қўшжонов М. Ойбек маҳорати. – Тошкент, 1965. – 354 б; Қўшжонов М. Сайланма. Адабий портретлар. – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1982; Қўшжонов М. Қўнгилда колиб кетган гаплар. – Тошкент: Маънавият, 2016. – 47 б.; Каримов Н. Ойбек. – Тошкент: Ёш гвардия, 1985. – 195 б; Каримов Н. Ойбек гулшанида қолган ғунчалар. – Тошкент: Фан, 1985. – 78 б; Каримов Н. Илҳом чашмасининг ажиг мавжлари. – Тошкент: Фан, 1982. – 56 б; Каримов Н. Уч буюк сиймо. Mumtoz so‘z. – Тошкент, 2019. – 428 б; Каримов Н. XX аср адабиёти манзаралари. – Тошкент: O‘zbekiston, 2008. – 298-328 б; Каримов Н. “Ойбек: “Тош экан бошим...”. – Фан ва турмуш, – 1992 , 5,6,7,8,9,10-сонлар.; Ниёзов А. Республика идеология ишининг ахволи ва уни яхшилаш тадбирлари тўғрисида // Шарқ юлдзузи, 1952. – Б. 11-26; Файзиев Б. ”Навоий” романни ҳақида // Қизил Ўзбекистон. – 1953 йил 16 май. – Б. 2-3; Назаров Б. Бу сехрли дунё. – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1980. – 172 б; Назаров Б. Ҳаётйлик – безавол мезон. – Тошкент: Ёш гвардия, 1985. – 217 б; Назаров Б., Расулов А., Ахмедова Ш., Қаҳрамонов Қ. Ўзбек адабий танқиди тарихи. – Тошкент: Tafakkur qanoti, 2012. – 262 б.; Мирвалиев С. Ҳаёт ва кураш поэзияси. – Тошкент: Ўзфанакаднашр, 1962. – 172 б.; Солижонов Й. Ҳақиқатнинг синчков кўзлари. – Тошкент: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси, 2009. – 228 б; Солижонов Й. Лирика латофати, насрнинг назокати. – Тошкент: Адабиёт учкунлари, 2018. – 108 б.; Сабирдинов А. Ойбек шеъриятида сўз ва образ: Филол.фан.номз...дисс. – Тошкент, 1993. – 138 б; Сабирдинов А. Ойбек достонларининг бадий-услубий хусусиятлари. – Тошкент: Истиқлол, 2003. – 77 б; Сабирдинов А. Ойбекнинг поэтик маҳорати: Филол.фан.д-ри...дисс. – Тошкент, 2007. – 307 б.; Ҳамдам У. 30-йиллар ўзбек шеъриятида “соф лирика” муаммоси (Ойбек шеърлари мисолида): Филол.фан.номз...дисс. – Тошкент, 1997. – 142 б; Ҳамдам У. Янгиланиш эҳтиёжи. – Тошкент: Фан, 2007. – 196 б.; Райберт Р.Ойбекнинг или шеърларида бадий образ // Ўзбек тили ва адабиёти, 1980, №5. – 28-32 б.; Халилов Ж. Ойбек Шахрисабзда. – Тошкент: Мусика, 2018. – Б 105; Ҳасанов Ш. Достон таркиби ва табииати. – Самарқанд, 2011. – 216 б.; Қувватова Д. 20 аср иккинчи ярми ўзбек поэмачилигига жанр ва услуб ранг-баранглигиги. – Тошкент: Фан, 2010. – 144 б; Абдураҳмонов А. Ойбекнинг пейжаз лирикасида ранг // Ойбек ижодининг маънавий-маърифий аҳамияти. Конференция материаллари. – Гулистон, 2016. – 73-75 б.

Серқирра истеъдод соҳибининг ҳаёти, фаолияти, адабий ва илмий меросини ўрганиш борасидаги ишлар тизимли равишда ёритилган.

Тадқиқотнинг вазифалари:

ойбекшуносликка доир тадқиқотларининг миқёси, йўналишлари, ўзига хослиги, етакчи тамойиллари, ютуқлари, илмий аҳамиятини далиллаш;

ойбекшуносликнинг тараққиёт босқичларини белгилаш ва ижтимоий муҳитнинг адабиётшуносликка таъсирини ўрганиш;

ойбекшуносликда адиб феномени, биографияси, шахс ва ижодкор сифатидаги ўрни қандай ёритилганлигини аниқлаш;

соҳага оид илмий, илмий-оммабоп асарлар таҳлили орқали адабнинг адабий-эстетик қарашларини ўрганиш;

Ойбек шеъриятининг мавзу кўлами, тимсоллар олами тадрижини мавжуд адабий-танқидий асарлар таҳлили мисолида тизимлаштириш;

Ойбек достонлари, ҳикоя, қисса, романларининг таҳлил тамойиллари, шунингдек, ундаги ютуқ ва камчиликларни ёритиб бериш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида, асосан, Ойбек ижоди бўйича тадқиқот олиб борган Ҳомил Ёқубов, Матёкуб Кўшжонов, Наим Каримов, Баҳтиёр Назаров, Собир Мирвалиев, Нўъмонжон Раҳимжонов, Акбарали Сабирдинов, Улуғбек Ҳамдам ишлари, Ойбек ижодига эътиборли бўлган мунаққидлар Озод Шарафиддинов, Умарали Норматов, Иброҳим Гафуров, Иброҳим Ҳаққул, Йўлдошхўжа Солижонов, Рональд Райберт каби адабиётшуносларнинг адабий-танқидий мақолаларига эътибор қаратилган. Таҳлил жараёнида Ойбек асарларига мурожаат қилинган.

Тадқиқотнинг предметини XX аср ўзбек адабиётининг етук намояндаси Ойбек адабий-илмий мероси ва улар таҳлилига бағишланган диссертация, монография, рисола ва тўпламлардаги илмий мақолалар ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари сифатида таснифлаш, тавсифлаш, комплекс таҳлил, қиёсий-типологик усуллардан, биографик ва герменевтик ёндашувлардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилар билан белгиланади:

ойбекшуносликнинг шўро ва истиқлол давридаги тараққиёт босқичлари белгиланган, танқидчиликда адиб шахсияти, адабий-эстетик қарашларининг шаклланишида оиласиб мухити ва таржимаи ҳоли билан боғлиқ бошқа воқеликларга қиёсий усул ва биографик ёндашув асосидаги талқинлари аниқланган;

шўро тузуми даврида Ойбек ижодидаги “тушкунлик”, “ўтмишни улуғлаш” дея баҳоланган шеърлари мустақиллик йиллари адабиётшунослигига нозик туйғу-кечинмалар, юксак бадиий-эстетик намуналар сифатида ҳаққоний баҳосини олганлиги асосланган;

ойбекшуносликда адиб насрый ва назмий асарларининг даврий нуқтаи назардан танқидчиликдаги холис ва нохолис баҳоси ёритилган;

Ойбек адабий-танқидий мақолалари асосида ижодкорнинг ўзбек адабиёти бадиий-эстетик тафаккури тараққиётида мунаққид сифатидаги ўрни асослаб берилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қўйидагилардан иборат:

ойбекшунос мунаққидларнинг илмий тадқиқотларини яхлит ҳолда ўрганилиши натижасида ўзбек адабиётшунослиги ва замонавий адабий танқидчилик тарихи учун зарур илмий факт ҳамда маълумотларни аниқлаш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган;

тадқиқот давомида чиқарилган хулосалар адабиётшунослик учун янги илмий-назарий маълумотлар бериши асосланган;

ўзбек адабиёти тарихи, адабиёт назарияси, адабий танқид тарихи, айниқса, навоийшунослик, қодирийшунослик, чўлпоншунослик каби фанлардан яратиладиган ишчи дастур, дарслер ва қўлланмаларнинг мукаммаллашувига хизмат қилиши кўрсатилган;

ойбекшунослар фаолиятидаги энг муҳим қирраларнинг кўрсатиб берилганлиги бугунги кун ўқувчисининг дунёқарashi ва тафаккурини шакллантиришда ҳамда уларнинг жамият ахлоқий-эстетик ва маънавий-маърифий такомилида муҳим аҳамият касб этиши аниқланган

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги муаммонинг аниқ қўйилгани, қўлланилган усулларнинг мақсадга мувофиқлиги, назарий маълумотларнинг илмий манбаларга асосланганлиги, хулосаларнинг амалиётга жорий этилганлиги, натижаларнинг ваколатли тизимлар томонидан тасдиқлангани билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқотнинг илмий аҳамияти шундаки, унинг хулосаларидан адабиётшунослик фанининг кейинги тараққиётини белгилашда фойдаланиш мумкин. Шунингдек, тадқиқотда илгари сурилган назарий ғоялар “Янги ўзбек адабиёти”, “Адабиёт назарияси”, “Хозирги адабий жараён”, “Бадиий таҳлил асослари” фанлари бўйича ўтказиладиган изланишлар, илмий ёндашувлар такомилига хизмат қиласди.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти эса ундаги хулоса ва тавсиялардан адабиётшунос ва мунаққидлар илмий ижодини талқин қилишда, шунингдек, олий филологик таълимда дарслер ва ўқув қўлланмалар яратишда илмий манба сифатида фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади. Шу билан бирга, тадқиқот замонавий ўзбек адабиёти тарихи (XX аср ва асримизнинг ўтган йигирма йили), ойбекшунослик ва навоийшунослик, қодирийшунослик, чўлпоншунослик каби фанларнинг етакчи тамойилларини аниқлашда материал сифатида фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ойбекшунослик ва унинг тараққиёт босқичлари мавзусида олиб борилган мазкур тадқиқот натижалари асосида:

ойбекшуносликнинг шўро ва истиқлол давридаги тараққиёт босқичлари белгиланган, танқидчиликда адиб шахсияти, адабий-эстетик қарашларининг шаклланишида оилавий муҳити ва таржимаи ҳоли билан боғлиқ бошқа воқеликларга қиёсий усул ва биографик ёндашув

асосидаги талқинларга доир таҳлиллардан А-1-099 рақамли “Ўзбекистоннинг барқарор стратегик тараққиётида фуқаролик жамиятини янада ривожлантириш ва маънавий-ахлоқий хавфсизликни таъминлаш концепцияларининг аҳамияти” мавзусидаги лойиҳада фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 30 октябрдаги 89-03-4309-сон маълумотномаси). Натижада, “Баркамол инсонни тарбиялаш-давр талаби” номли ўкув-услубий кўрсатманинг “Маънавий янгиланишлар ва уларнинг замонавий баркамол инсон тарбиясига таъсири” номли З-боби ойбекшуносликда адиб шахсияти, адабий-эстетик қарашлари шаклланишида оиласвий муҳитнинг ўрни мисоллар ёрдамида асосланган;

шўро тузуми даврида Ойбек ижодидаги “тушкунлик”, “ўтмишни улуғлаш” дея баҳоланган шеърлари мустақиллик йиллари адабиётшунослигига нозик туйғу-кечинмалар, юксак бадиий-эстетик намуналар сифатига ҳаққоний баҳосини олганлигига оид хулосалардан 574097 – ЕРР – 1 – 2016 - 1СҮ - ЕРРКА2 – СВНЕ - JR рақамли, “RUECVET: Пилотирование Европейской системы перевода зачетных единиц (кредитов) для профессионального образования и обучения (ECVET) в национальных системах профессионального образования и обучения России и Узбекистана” (2016-2019 гг.) номли халқаро лойиҳада фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 30 октябрдаги 89-03-4309-сон маълумотномаси). Натижада, Ойбек шеъриятининг ўрганилиш босқичлари мисоллар асосида ёритилишига эришилган.

Ойбек адабий-танқидий мақолалари асосида ижодкорнинг ўзбек адабиёти бадиий-эстетик тафаккури тараққиётида мунаққид сифатидаги ўрни асослаб беришга оид таҳлиллардан Фарғона вилояти телерадиокомпаниясининг “Минг бир мавзу” кўрсатуви ҳамда “Хайрли оқшом”, “Оила мактаби”, “Кун мавзуси” номли эшиттиришлари сценарийсини тайёрлашда фойдаланилган (Фарғона вилояти телерадиокомпаниясининг 2020 йил 13 июлдаги 12-01/53-сон маълумотномаси). Натижада мазкур кўрсатув ва эшиттиришлар маънавий-маърифий ҳамда бадиий жиҳатдан бойиган, халқчиллиги ортган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 13 та илмий-амалий анжуманларда, жумладан, 6 та республика конференциясида, 7 та халқаро конференцияда маъруза кўринишида баён этилган ва апробациядан ўтган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича 17 та илмий мақола нашр этилган. Ўзбекистон Республикаси Олий аттестатция комиссиясининг докторлик диссертациялари учун асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 4 та мақола, улардан 1 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертация тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, етти фаслни ўз ичига оловчи уч асосий боб, хулоса ва фойдаланилган

адабиётлар рўйхатидан иборат бўлиб, ҳажми 138 саҳифани ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, унинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, илмий янгилиги ва амалий натижалари баён этилган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, натижаларни амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг “Ойбекнинг адабий-эстетик қарашлари тадқиқи” деб номланган биринчи бобида Ойбек шахсининг феномени, биографияси бўйича олиб борилган тадқиқотлар, унинг ижодий лабораториясини ўрганиш масалалари ёритилган. Бобнинг “Ойбек шахсиятининг ўрганилиши” номли биринчи фаслида Ойбек ижоди бўйича адабиётшуносликда унинг инсон сифатидаги характеристига, бадиий адабиёт, илмий тадқиқот соҳасидаги салоҳиятига баҳо берувчи қайдлар ўрганилган.

Ҳамид Олимжон: “Ойбек прозада шоиру поэзияда прозаикдир. У энг майда икир-чикирларни шеърда куйлай биладиган талантли шоирдир. У кишилар портрети, кўз ва қош ҳаракатларини жуда аниқ тасвирлаб беради...”⁵. Бизнинг фикримизча, Ойбек шеърияти, ҳақиқатан, воқеаларнинг тўлиқ акс этиши, барча деталларнинг аниқ келтирилиши, кечинмалар қамровининг кенглиги билан насрга яқин туради. Насри эса, ижодкор бадиятининг бойлиги, қаҳрамон ҳис-туйғуларининг ёрқин акс этиши, бадиий тасвир воситаларидан унумли фойдаланиши билан назмга яқинлаша олган. Ушбу фикрларни Сувон Мели ҳам тасдиқлаб, Ойбек прозасининг лирик поэзия даражасига кўтарилиши Чингиз Айтматовнинг насрига ҳам даҳлдорлигини таъкидлайди. Олим икки буюк адабни шу маънода муқояса этади⁶. М.Шайхзода: “Адабий ижоднинг машаққатли ва серташвиш интиҳосини Ойбек ҳамнафаслигида бошладим”, деб улуғ адабнинг тенгдошларига ҳам устоз мақомида эканини эҳтиром билан тилга олиб ўтади. Ойбек ижодига, унинг шахсиятига, феноменига юксак баҳо беради⁷. Шайхзоданинг бу фикрлари Ойбекнинг шахс сифатида ўз замондошларига қандай даражада ўrnak бўла олганига ишора эканлигини сезиш қийин эмас. Фаслда Миртемир⁸, А.Орипов⁹, Муҳаммад Юсуф¹⁰, Рауф Парфи¹¹, Усмон Азим¹², И.Фафуров¹³

⁵ Олимжон Х. Мукаммал асарлар тўплами. 10 томлик. 6-том. – Тошкент: Фан, 1982. – Б. 280-281.

⁶ Милиев С. Глобал илмий-бадиий талқин поэтикаси: Филол. фан. д-ри... дисс. – Тошкент, 2020. – 220 б

⁷ Мақсуд Шайхзода. Адаб ҳақида қайдлар // Ойбек замондошлари хотирасида. – Тошкент:Faafur Fулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2005. – Б. 16 – 17.

⁸ Миртемир Устоз ҳақида // Ойбек замондошлари хотирасида. – Тошкент: Faafur Fулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2005. – Б. 18 – 19.

⁹ ziyoruz.com/uzbek-sheriyati/zamonalviy-o-zbek-she-riyati/abdulla-oripov-1941

¹⁰ https://www.brend.uz/uz/adabiyot/m_yusuf_22.

И.Ҳаққул¹⁴ кабиларнинг Ойбек шахсияти ҳақидаги шеър ва қайдларида Ойбек характеристига, унинг ижоддаги ўрнига, асарларига, руҳиятидаги ўзгаришларга ва ижодкор шахси билан боғлиқ барча ҳодисаларга баҳо берилган. Фаслда академиклар Наим Каримовнинг “Ойбек”, Азиз Қаюмовнинг “Академик Ойбек”, шунингдек, Зарифа Сайдносированинг “Ойбегим менинг” номли китоблари асосида Ойбек ҳаёти ва биографияси кенг ёритилган. Академик Наим Каримов адаб фаолияти ва ижодининг адабиётшуносликка маълум бўлмаган қирраларини ёритишга эътибор беради. Унинг Ойбек ҳақида эълон қилинган юзга яқин мақола, беш китоб, Ойбекнинг “Муқаммал асарлар тўплами”¹⁵ бунга далилдир. Мунаққид Ойбекнинг бутун умрини икки даврга ажратди: “*Бир тарафда – забардаст адаб, иккинчи тарафда – бир умрга майиб бўлган инсон.*”¹⁶. “Ойбек” рисоласида адаб ижоди, ҳаёт йўллари изчил ёритилган бўлиб, асарга биографик метод асосида ёндашилган. Маълумки, биографик метод ёзувчи ва асар жуфтлигига асосланади. Ижодкорга туртки берган илҳом факторлари¹⁷ ҳам ушбу методда жуда муҳимдир. Академик Азиз Қаюмовнинг 2005 йилда чоп этилган “Академик Ойбек” номли рисоласида Ойбекнинг биографияси, шахси билан боғлиқ айrim жиҳатларга ойдинлик киритилган¹⁸.

Мусо Тошмуҳаммад ўғли Ойбекнинг шахсияти, феъли, ўзига хос характер белгилари, шунингдек, бадиий-эстетик қарашлари шаклланиши ва тадрижи унинг турмуш ўртоғи Зарифа Сайдносированинг “Ойбегим менинг” номли хотиралар китобида батафсил ёритилган. Китоб академик Н.Каримов томонидан таҳрир қилиниб, нашрга тайёрланган¹⁹. Зарифа Сайдносированинг қайд этишича, Ойбекнинг ҳар бир асари сафар таассуротлари билан ёки табиатга чексиз меҳр таъсири билан яратилган, яъни ўзи гувоҳ бўлган ва шуурига таъсир қилган маълумотларга таяниб ижод қилган. “Ойбегим менинг” китоби хотиралардан иборат бўлса-да, Ойбекнинг ҳаёти ва фаолияти, ижод жараёни, ижодий лабораториясини ўрганишда ойбекшунослар учун муҳим манба бўлиб хизмат қиласи. Изланишларимиз натижаси шуни кўрсатадики, академик Наим Каримов Ойбек ҳаёти ва ижоди билан боғлиқ воқеликларни акс эттиришда баъзан асар жанри талабидан келиб

¹¹ <https://kh-davron.uz/> рауф парфи/ойбек хотирасига.

¹² [¹³Faфуров И. Мангу латофат. Бадиалар, рисолалар: 2–китоб. – Тошкент: Шарқ, 2008. – Б.205.](https://kh-davron.uz/усмон азим/ойбекнинг сўнгги шеъри.</p></div><div data-bbox=)

¹⁴ Faфуров И. Мангу латофат. – Б. 274– 275; Ҳакқул И. Ким нимага таянади? Адабий сухбатлар. – Тошкент: Заркалам, 2006; Ҳакқул И. Такдир ва тафаккур. – Тошкент: Шарқ, 2007. – 272-273 б.; Ҳакқулов И. Ойбек шахсияти ва шеъриятига доир // Ўзбек тили ва адабиёти, № 2, 2005. – 25-35 б.; Ҳакқулов И. Ҳақиқатга сигиниш // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. – 1989 йил 29 декабрь.

¹⁵Ойбек.Муқаммал асарлар тўплами. – Тошкент: Фан, 1980-1985. – Т.1. – 175 б.; – Т.2. – 472 б.; – Т.3. – 264 б.; – Т.4. – 280 б.; – Т.5. – 416 б.; – Т.6. – 724 б.; – Т.7. – 544 б.; – Т.8. – 376 б.; – Т.9. – 560 б.; – Т.10. – 408 б.; – Т.11. – 424 б.; – Т.12. – 440 б.; – Т.13. – 512 б.; – Т.14. – 440 б.; – Т.15. – 472 б.; – Т.16 – 438 б.; – Т.17. – 308 б.; – Т.18. – 328 б.; – Т.19. – 312 б.; – Т.20. – 496 б.

¹⁶ Каримов Н. Ойбек. – Б. 200.

¹⁷ Қаранг: Каримов Б. Адабиётшунослик методологияси. – Тошкент: Мухаррир, 2011. – Б. 18.

¹⁸ Қаранг: Қаюмов А. Академик Ойбек. – Тошкент: Тошкент ислом университети нашриёт-матбаа уйи, 2005. – Б 16.

¹⁹ Сайдносирова З. Ойбегим менинг. – Тошкент: Шарқ, 2005. – Б. 5.

чиқиб хаёл ёрдамида тиклашга эътибор қаратган бўлса, Азиз Қаюмовнинг тадқиқотида Ойбек фаолиятига доир маълумотлар баъзан ўзи шоҳид бўлган реал воқеликлар асосида ёритилган. “Ойбегим менинг” китоби юқоридаги икки тадқиқотдан фарқ қилиб, адаб ҳаётидаги лавҳалар ҳаёт ҳақиқати асосида талқин этилган. Демак, ушбу манбалар Ойбек биографиясини ёритишида муҳим ўрин тутади. Бир сўз билан айтганда, ойбекшуносликнинг бу йўналиши адебнинг биографияси, унинг шахс ва ижодкор сифатидаги ўзига хослиги ҳақида яхлит тасаввур ҳосил қилиш имконини беради.

Бобнинг “**Адиб асарлари тадқиқи: тенденция ва муносабатлар**” деб аталган иккинчи фаслида Ойбек ижодига оид монографиялар, номзодлик ва докторлик диссертациялари, адабий-танқидий мақолалар яратган адабиётшунос олимларнинг муносабатлари ёритилган.

“Бадиий матн борми, демак, унинг яратувчиси, қабул қилувчиси, ўзлаштиришга ёрдам берувчи, йўл кўрсатувчиси бўлган. Шарқдами, Ғарбдами, ҳозирми, қадимдами, бадиий матн, уни яратиш, қабул қилиш, талқин, таҳлил қилиш, баҳолаш муаммоси, тарихи бўлган”²⁰. Ойбек ижодини ўзлаштиришда ҳам танқидчиларнинг хизмати катта. Унинг ижоди бўйича тадқиқ олиб борган мунаққидлар, олимлар адаб шахсияти, фаолияти, асарлари услуби, ғояси, поэтик маҳоратини таҳлил қилганлар. “Адабий танқид адабий жараён билан шуғулланади. Кундалик адабий ҳаётда ёзилаётган асарларни баҳолайди. Адабий-тарихий жараёнда кечеётган ҳодисаларни, янгиликларни, тажрибаларни таҳлил этади. Ижодкор ва китобхон масалаларига дикқат қаратади. Ғоявий-бадиий жиҳатдан етук асарларни тарғиб-ташвиқ этади; поэтик жиҳатдан заиф асарларга танқидий муносабат билдиради”²¹. Профессор Б.Каримовнинг юқоридаги фикрларига таянган ҳолда айтиш мумкинки, Ойбек асарларининг танқидчилар томонидан ўрганилиши ва баҳоланиши адаб шахсияти ҳамда асарларининг ғоявий-бадиий жиҳатдан етуклигидан далолат беради. Танқидчи Умарали Норматовнинг “Ким билсин, эҳтимол, ҳозирги ёш танқидий истеъдодлар орасида Ойбекни ёки Ғафур Ғулом ижодини биздан ҳам теранроқ ҳис қиласиганлари, биздан ҳам ёрқинроқ, таъсирлироқ шаклда очиб берадиганлари бордир?”²² деган фикрларига таянадиган бўлсак, Ойбек ижоди ҳар бир танқидчи тадқиқотида янги маъно касб этган.

Ойбекшуносликни ўрганиш жараёнида, Ойбек ижоди бўйича қуидаги тадқиқотларни кўриш мумкин:

– 8 та диссертация²³;

²⁰ Расулов А. Ҳозирги ўзбек танқидчилигида таҳлил ва талқин муаммоси: Филол.ф.д-ри...дисс. – Тошкент: 2002. – Б. 18.

²¹ Каримов Б. Адабиётшунослик методологияси. – Тошкент: Мухаррир, 2011. – Б. 87.

²² Норматов У. Талант тарбияси. – Тошкент: Ёш гвардия, 1980. – Б.142.

²³ Назаров Б. Ўзбекистонда марксча-ленинча адабий танқиднинг қарор топишида Ойбекнинг роли: Филол.ф.н.канд...дисс. – Тошкент, 1971. –208 б; Сабирдинов А. Ойбек шеъриятида сўз ва образ: Филол.ф.н.номз...дисс. – Тошкент, 1993. –138 б; Ҳамдамов У. 30-йиллар ўзбек шеъриятида “соғ лирика” муаммоси (Ойбек шеърияти асосида): Филол.ф.н.номз...дисс. – Тошкент: 1997. – 142 б; Сабирдинов А. Ойбекнинг поэтик маҳорати: Филол.ф.н.д-ри...дисс. – Тошкент, 2007. – 307 б; Самадов К. Ойбек тил маҳоратининг баъзи масалалари: Филол.ф.н.номз...дисс. – Тошкент: 1981. – 103 б; Тўлаганова С. Ўзбек романчилигига ёрдамчи қаҳрамон ва унинг бадиий функцияси (Абдулла Қодирий, Чўлпон, Ойбек романлари асосида): Филол. фан. номз...дисс. – Тошкент: 1999. – 128б; Боймирзаева С.

- 7 та монография²⁴;
- 16 та рисола²⁵;
- 2 та очерк²⁶;
- 1000 га яқин мақола ва тезислар²⁷ яратилган.

Биз тадқиқот ишимиизда фақатгина характерли, дикқатта сазовор мақола ва тадқиқотларни күпроқ қамраб олишга ҳаракат қилдик.

Ойбек ижодининг ўрганилиши қарийб бир асрни ташкил этади. Адабиётшуносликда Ойбек ижодини ўрганишнинг тараққиёт босқичларини қуидагича белгилаш мумкин:

1-босқич. (*XX асрнинг 20- йиллари*). *Ойбекшуносликнинг илк босқичи.* Ушбу босқич Ойбек шеърларини илк ўрганилиш даври ҳисобланади. Шоир ижоди дастлаб Миркарим Осим томонидан ўрганилган. “Ойбек умидсиз ва бир оз ишқий шеър ёзғони билан, у болаларнинг ахлоқиға таъсир қилғувчи ахлоқсиз бўлиб қолмайдур”²⁸. Ойбекнинг “умидсиз” шеърлари унинг кўнгли синиқлигида эди. Ойбекнинг дастлабки шеърларида ёқ лирик қаҳрамон ҳис-туйғуси жуда юқори ифодаланган. Ойбекнинг дастлабки шеърлари хусусида Миркарим Осимнинг қарашлари ҳақли эди. Ушбу мақолани ойбекшуносликда дастлабки қадамлардан бири дейиш мумкин.

2-босқич. *XX асрнинг 30-50-йилларида Ойбек ижодининг ўрганилиши.* Бу даврда Усмонхон, Ҳамид Олимжон, Ботир Файзиев, Воҳид Зоҳидов томонидан Ойбек ижоди ўрганилган. Ушбу босқич адабиётшунослик майдонидаги баҳслари ва Ойбек шахси ва ижодига қарши бошланган муносабатларни ўз ичига олади. Хусусан, Ботир Файзиевнинг “Навоий” романи ҳақида” мақоласида²⁹ Ойбекнинг

Ойбек прозасининг лингвостилистик тадқиқи: Филол.фан.номз...дисс. – Самарқанд: 2004. – 166 б; Исақова Ш. Бадий таржимада миллийлик ва тарихийликнинг акс эттирилиши (Ойбекнинг “Навоий” романининг французча таржимаси мисолида): Филол.фан.номз...дисс. – Тошкент: 2004. –30 б.

²⁴ Ёкубов Х. Фоявийлик ва маҳорат. – Тошкент: Фан, 1963. – 188 б; Кўшжонов М. Ойбек маҳорати. – Тошкент: Тошкент бадиий адабиёт нашриёти, 1965. – 354 б; Назаров Б. Бу сехрли дунё. – Тошкент:Faфур Гулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1980. – 365 б; Сабирдинов А. Ойбек достонларининг бадиий-услубий хусусиятлари. – Тошкент: Истиқлол, 2003. –76 б; Сабирдинов А. Ойбек шеъриятида сўз ва образ. – Тошкент: Akademnashr, 2010. – 87 б; Сабирдинов А. Ойбекнинг шеърий маҳорати. – Тошкент: Фан, 2005. – 171 б; Файзиев Б. Навоий романида тарихий воқелик ва бадиий тўқима. – Тошкент: Faфур Гулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1971. – 160 б.

²⁵ Ёкубов Х. Адабнинг маҳорати. – Тошкент: Ўзфандашр, 1966. – 311 б; Ёкубов Х. Ойбек реализми. – Тошкент: Ўзбекистон, 1985. – 36 б; Ёкубов Х. Ойбек. – Тошкент: Ўзбекистон, 1975. – 23 б; Ёкубов Х. Сайланма. 1 жилд. – Тошкент: Faфур Гулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1983. – 367 б; Каримов Н. Ойбек ва Зарифа. – Тошкент: Ўзбекистон, 1990. – 127 б; Каримов Н. Ойбек гулшанида колган ғунчалар. – Тошкент: Фан, 1985. – 78 б; Каримов Н. Ойбек. – Тошкент: Ёш гвардия, 1985. – 197 б; Каримов Н. Ойбек гулшанидан шабадалар. – Тошкент: Маънавият, 2015. – 120 б; Каримов Н. Илҳом чашмасининг ажаб мавжлари. – Тошкент: Фан, 1982. – 56 б.; Каюмов А. Академик Ойбек. – Тошкент: Тошкент ислом университети нашриёти, 2005. – 107 б; Кўшжонов М. Кўнгилда колиб кетган гаплар. – Тошкент: Ma’naviyat, 2006. – 47 б; Халилов Ж. Ойбек Шахрисабзда. – Тошкент: Мусика, 2018. – 105 б; Сайдносирова З. Ойбеким менинг. – Тошкент: Шарқ, 2005. – 255 б;

²⁶ Батъ Л.Г., Кошchanов М. Айбек. Критико-биографический очерк. – Москва, 1976. – 223 с; Ёкубов Х. Ойбек. Танқидий-биографик очерк. – Тошкент: Faфур Гулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1983. – 367 б.

²⁷ Ойбек замондошлар хотирасида. – Тошкент: Faфур Гулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1979. – 223 б; Ойбек замондошлари хотирасида. – Тошкент: Faфур Гулом, 2005. –159 б; Ойбек ижодий методи ва бадиий маҳорати. – Тошкент: Ўзфандашр, 1985. –206 б; Ойбек ижодининг маънавий-маърифий аҳамияти // Конференция материаллари. – Тошкент: 2005. –39 б; Ойбек ижодининг маънавий-маърифий аҳамияти // Конференция материаллари. – Карши: 2005. –176 б; Ойбек ижодининг маънавий-маърифий аҳамияти // Конференция материаллари. – Гулистон: 2016. – 224 б.; Ниёзов А. Республикада идеология ишининг ахволи ва уни яхшилаш тадбирлари тўғрисида // Шарқ юлдузи, 1952. – Б. 11-26.; Файзиев Б. ”Навоий” романи ҳакида // Қизил Ўзбекистон. – 1953 йил 16 май. – Б. 2-3.

²⁸ Миркарим Осим. Ойбек ва унинг шеърлари // “Ўзбекистон адабиёти ва санъати газетаси”, 1989 йил 11 август, №33(3033).

²⁹ Файзиев Б. “Навоий” романи ҳакида // Қизил Ўзбекистон. – 1953 йил 16 май, № 115 (8532). – Б. 2-3.

“Навоий” романи қаттиқ танқид қилинганд. Мақола 1953 йил 16 май Қизил Ўзбекистон газетасида нашр этилган. Ботир Файзиев дастлаб Ойбекнинг учта ютуғини кўрсатади. Унинг танқидига кўра, “ёзувчи романда бир қанча жиддий идеологик бузилишларга йўл қўйган”, “Навоий образи идеаллаштирилган”, “Навоийнинг халқпарварлиги ошириб юборилган”, “роман тили талабга жавоб бермайди”, “манхус, бокира, мубоҳаса, тадорик, адад” каби совет кишиси тушунмайдиган юзлаб араб ва форсча сўзлардан фойдаланган”, “роман тили билан халқ тилини камситди” “Навоий ва Жомийнинг дўстлигини етарли даражада очиб бера олмаган”, “Биноий ўзбек тилининг ашаддий душмани сифатида кўрсатилган” каби қатор камчиликларни келтиради. Алишер Навоий адабиёт ва тарихда комил инсон сифатида ўз мавқеига муносиб шахсдир. Ойбек Навоий сиймосини идеаллаштиришга ҳаракат қилган. Аммо Навоий бундан-да юқорида туриши бизга маълум. Ойбекнинг романни тили ҳақида тўхтальсан, ёзувчи Навоий даври муҳитини акс эттириш учун асар тилига эътиборли бўлган, ваҳоланки, асар тили XXI аср китобхони учун ҳам равон ва тушунарли. Умуман олганда, Ботир Файзиев Ойбекни ўтмишни улуғлашда айблайди. Кейинчалик ўз хатосини англаб, 1971 йилда “Навоий” романидаги тарихий воқелик ва бадиий тўқима” номли тадқиқот иши асосида монография чоп эттириди. Бу монография Ойбекни оқлашга уриниш эди.

3-босқич. *XX асрнинг 60-80-йилларида ойбекшунослик.* Ушбу босқичда Ойбек ижоди Собир Мирвалиев, Ҳомил Ёқубов, Матёқуб Кўшжонов, Наим Каримов, Баҳтиёр Назаров, Нўймон Раҳимжонов, ИброҳимFaфурловлар томонидан тадқиқ этилган. Бу босқичда Ойбек ижодига муносабат тубдан ўзгариб, асарлари таҳлили бўйича қатор тадқиқотлар олиб борилган. Бу даврда Ойбек ижоди изчил ўрганилиб, тадқиқотлар ҳажми ортган бўлса-да, баъзан Шўро даври ижтимоий-сиёсий талабларидан чиқа олмаслик ҳолатлари ҳам сезилади. Лекин шунга қарамасдан бу даврда ойбекшунослик катта ютуқларни қўлга киритди. Ойбек асарлари, ижоди, шахсияти кенг, чуқур ва атрофлича ўрганилиб, ижодкорнинг адабиётимиз ривожидаги муҳим ўрни асослаб берилди. Бу ўринда юқоридаги адабиётшунос олимларнинг хизматлари катта бўлганини унутмаслик керак.

4-босқич. *XX асрнинг 90-йиллари ва мустақиллик даврида Ойбек ижодини ўрганиш.* Мустақиллик йилларида Ойбек ижоди бўйича Наим Каримов, Баҳтиёр Назаров, Озод Шарафиддинов, Йўлдош Солижонов, Қозоқбой Йўлдош, Иброҳим Ҳаққул, Акбарали Сабирдинов, Улугбек Ҳамдам каби мунаққидлар кенг кўламли тадқиқотлар олиб бордилар. Бу босқич Ойбек ижодини эркин ўрганиш даври бўлиб, танқидчилар Ойбекни янгидан кашф этди. Ойбек ижодига муносабат тубдан ўзгариб, Сувон Мели “Қутлуғ қон” романидаги Йўлчи образини янгича кашф этди: “Йўлчи адебнинг бадиий образга эврилган alter егоси, яъни иккинчи «мени»дир. Умуман, адеб қалб жавҳаридан яралган икки буюк образ бор, булар - Навоий ва Йўлчи. Алишер Навоий-ку, адебнинг буюк романидан анча олдин ҳам ўлмас асарлари билан ўзининг буюк руҳоний

қиёфасини яратиб кетган...”³⁰ Юқоридаги таҳлилдан кўринадики, олим Навоий ва Йўлчи образларини Ойбекнинг ўзига қиёслайди. Бизнингча, Ойбек сиймоси Навоий сиймоси билан уйғунлашади. XX аср Навоийси деб тан олиниши ҳам фикримизни исботлайди. Йўлчи образида эса, назаримизда, Ойбекнинг қалбини очиш учун мукаммаллик етишмайди.

Ойбекшуносликнинг бу даври Ойбекнинг нафақат ижоди, балки шахс сифатидаги феноменини ёритиш учун кенг йўл очди. Ойбекшуносликни тубдан янгиланиши ҳам шу босқичдан бошланди. Шеърияти хусусида янги баҳслар, насри хусусида янгича қарашлар пайдо бўлди.

Диссертациянинг иккинчи боби “**Ойбек шеъриятининг ўрганилиш босқичлари**” тадқиқига бағишлиган бўлиб, у ҳам ўз навбатида икки фаслга ажратилган. Бобнинг “**Ойбек шеърияти ва шўро даври адабий танқидчилиги**” деб номланган биринчи фаслида Ойбек ижодининг шўро даврида ўрганилиши ёритилган. “Таъкидлаш керакки, шўро даври адабиётининг ўзига хос ижодий-эстетик принципларини белгиловчи намуналари ва унинг етакчи намояндадари бор. Назаримизда, 20-30-йиллардаёқ бу ижодий принципларни шакллантиришга хизмат қилган ижодкорлар ҳақида гап кетганда, аввало, буюк истеъодод соҳиблари – Ғафур Ғулом, Ойбек, Абдулла Қаҳҳор ва Ҳамид Олимжонлар кўз ўнгимизда намоён бўлади. Дарҳақиқат, шўро даври ўзбек адабиётининг вужудга келиши, шаклланиш ва ривожланишининг биринчи босқичи – 20-йиллардан токи 60-йилларнинг охиригача бўлган давр адабиётининг шакл-шамойилини, улуғворлиги-ю фожеасини биз ана шу тўртта буюк сиймо ижодида кўришимиз мумкин. Бу ижодкорларнинг асарлари ҳар доим адабий танқиднинг диққат назарида бўлиб келган. Шу боис, ўзбек адабий танқидчилиги уларнинг ижодига турли даврларда турлича муносабатда бўлган”³¹ Шоир шеърияти тадқиқ этилишининг Шўро даври ҳақида мушоҳада юритилса, уни қуйидаги босқичларга ажратиш мақсадга мувофиқ:

Ойбек шеъриятини ўрганишнинг ilk даври ва бу шеъриятнинг XX аср 20-йиллари охирида ёзилганлиги, уларнинг ilk машқлар сифатида эътироф этилганлиги;

30-йиллар шеъриятида мазмун ва маҳоратнинг мукаммаллашуви ва бу ҳолатни мунаққидлар томонидан эътироф этилиши;

уруш даври шеъриятида кўтарилиган масалалар ва 30-йиллардан шакллана бошлаган кўнгил шеърияти ҳақидаги мушоҳадалар;

шеърларидаги ижтимоий руҳнинг кўнгил шеърияти билан уйғунлашуви ва мунаққидларнинг бунга муносабати;

урушдан кейинги йиллар шеърияти хусусиятлари ҳақидаги мушоҳадалар.

³⁰ Милиев С. Глобал илмий-бадиий талқин поэтикаси: Филол. фан. д-ри... дисс. – Тошкент, 2020. –220 б

³¹ <http://e-adabiyot.uz/adabiyotshunoslik/tanqidchilik/166 – tanqidchilik.html?start=4>

Тадқиқотда Ойбек шеърияти дастлаб профессор Ҳ.Ёқубов танқидий қарашлари асосида кузатилган. У Ойбекнинг техникумда ўқиб юрган кезларида ёзган машқларидан бошлаб таҳлил қилган. Унинг илк машқларини ўрганаар экан, шоир шеърларида пессимистик рух ва тор шахсий туйғулар ифодаланганини келтиради. Ҳ.Ёқубов Ойбек шеърияти изчил текширилмаганини таъкидлайди³². Шу сабабдан бу мунаққид кўпроқ Ойбекнинг шеърий меросига эътиборни қаратган. “Ғоявийлик ва маҳорат”³³ номли китобида Ойбек шеърияти изчил таҳлилга тортилган. Аммо тадқиқот ишига давр нуқтаи назаридан социологик метод асосида ёндашилган. Масалан, Хомил Ёқубов томонидан таҳлил қилинган шоирнинг “Айрилиқ ва дарвеш” шеърига эътибор қаратайлик: “Ойбек “Айрилиқ ва дарвеш” шеърида ўтмиш ва ҳозирги кун манзарасини муқояса қилиб, умидсизлик кайфиятини яққол ифода этади. Шоирнинг кузатишича, бир замонлар гўё: *Тоғларда булоқлар нағма чаларди, Чечаклар руҳларга қучоқ очарди. Гўзаллик ҳар ерда кулиб боқарди, Булбулдан, нағмадан бир из қолмамиш*”³⁴. Таҳлил давомида мунаққид шоир ўтмишни улуғлаб, шўро даврига қарши қўйганини қайд этади. Бизнингча, юқоридаги тўртлик ниҳоятда чукур фалсафага эга бўлиб, шоирнинг ички кечинмалари ва яширин истакларини ифода этган. “Тоғлар” бу – шонли ўтмишимиз, “булоқлар” – эркимиз учун курашган зиёлиларимиз, “булбулдан, нағмадан бир из қолмамиш” Ойбек ўз даврида ижод этганларнинг ҳеч бирида эркин сўзлаш имкони қолмаганига ишора қиласи. Ҳ.Ёқубов, асосан, “ижтимоий рух сингдирилган”³⁵ шеърларни таҳлил қилишга уринади. Албатта ушбу қарашлар Ҳ.Ёқубовнинг ойбекшунослик тараққиётига қўшган ҳиссасига соя солмайди. Унинг бу борадаги хизматлари алоҳида эътиборга моликдир. Шўро даврида Ойбек шеъриятининг ўрганилишидаги асосий тамойил – ижтимоийлашган шеърларни изчил текшириш ва “Ойбек лирикасининг мағзи ҳам, кўпинча, шундай шеърлардан қидирилган”³⁶ида эди. М.Аҳмадбоева, С.Иброҳимованинг “Ўзбек адабиёти” китобида ҳам юқоридаги каби фикрларни кузатиш мумкин. Таъкидлаганимиздек, Ойбек шеъриятида меҳнат поэтикасини излаган танқидчилар унинг кечинмаларини умидсизлик, деб баҳолайдилар. Шунингдек, фаслда Собир Мирвалиевнинг “Ҳаёт ва кураш поэзияси”³⁷ номли китоби, Миркарим Осимнинг “Ойбек ва унинг шеърлари”³⁸ мақоласида Ойбек шеъриятига муносабатлар ёритилган.

Ойбек ижодини Р.Райберт, А.Дейч, Л.Батлар³⁹ ҳам ўрганган. Р.Райберт “Ойбекнинг илк шеъриятида бадиий образ” мақоласида

³² Ёқубов Ҳ. Ғоявийлик ва маҳорат. – Тошкент: Фан, 1963. – Б. 4.

³³ Ёқубов Ҳ. Ғоявийлик ва маҳорат. – Б. 186.

³⁴ Ёқубов Ҳ. Ғоявийлик ва маҳорат. – Б. 11.

³⁵Ҳамдамов У. 30-йиллар ўзбек шеъриятида “соф лирика” муаммоси (Ойбек шеърияти асосида): Филол.фан.номз...дисс. – Тошкент: 1997. – Б. 7.

³⁶Ҳамдамов У. 30-йиллар ўзбек шеъриятида “соф лирика” муаммоси (Ойбек шеърияти асосида): Филол.фан.номз...дисс. – Тошкент: 1997. – Б. 7.

³⁷Мирвалиев С. Ҳаёт ва кураш поэзияси. – Тошкент: Ўзфаннышр, 1962. – 172 б.

³⁸Миркарим Осим. Ойбек ва унинг шеърлари // “Ўзбекистон адабиёти ва санъати газетаси”, 1989 йил 11 август, №33(3033).

³⁹Батъ Л.Г., Кошчанов М. Айбек.Критико–биографический очерк. – Москва, 1976. – 223 с.

шоирнинг илк шеърларида бадиий образ масаласи таҳлилга тортилганлиги ёритилган⁴⁰. Бундан ташқари, А.Аллуорд⁴¹, М.Мюрфи⁴², А.Агир⁴³, кабиларнинг тадқиқотларида Ойбек ижоди бўйича қарашлар мавжуд.

Иброҳим Faфуров “Ўттиз йил изҳори” номли китобидаги “Ойбекка тарона”, “Ҳақ сўз боқий” номли мақолаларида⁴⁴, “Юрак – аланга”⁴⁵ номли китобидан жой олган “Шеърга сочилган юлдузлар” мақоласида Ойбек ижодида ифодалиликнинг ўзига хослиги, образ ва образлилик, ғоявийлик ва бадиийлик масалаларини талқиқ этади. Профессор А.Расуловнинг таъкидлашича: “Ойбек ижоди ҳақида Ҳ.Ёқубов, М.Қўшжоновдек етук олимларимиз тадқиқотлар яратганлар. М.Қўшжонов, Ҳ.Ёқубов тадқиқотлари яратилган давр нуқтаи назаридан баркамол эди. Адабиётшунослик фани бойиб бормоқда, кишилар диди ўсмоқда. Ҳозир Ойбек поэзияси янгича талқин қилинмоқда”⁴⁶. Хулоса қилиш мумкинки, 1985 йиллардан бошлаб Ойбек шеъриятига қарашлар аста-секин ўзгариб, унинг шеъриятидаги нозик туйғулар, яширин маънолар таҳлилга тортила бошлади. Шўро даври адабиётида Ойбек шеърияти изчил таҳлил этилган. Аммо тадқиқотларда давр нуқтаи назаридан четга чиқа олмаслик сезилиб туради. Бу даврда Ойбек шеъриятиниң “ижтимоийлашган шеърият” сифатида талқин этилишини тадқиқотчининг камчилиги деб қараб бўлмайди. Балки ҳар бир даврнинг ўзига хослигини белгилаб берувчи омиллари борлигини назарда тутиш зарур.

Бобнинг иккинчи фасли “Шоир шеъриятига мустақиллик давридаги қарашлар” деб номланган. “Истиқлол туфайли маънавий қадриятларга, маданиятга, жумладан, сўз санъатига нисбатан муносабат тубдан ўзгарди. Янги давр нафақат адабиётимиз тарихига, балки замонавий адабий-бадиий жараёнга ҳам янгича ғоявий-эстетик мезон билан ёндашишни тақозо қилди”⁴⁷. Мустақиллик йиллари Ойбек шеърияти қайтадан туғилди. Унинг шеъриятидаги рамзийлик, образлар хилма-хиллиги, ботиний моҳият, кўнгил кечинмалари қайтадан кашф этилди. “Бадиий асар ёки умуман бадиий ижод адабий танқиднинг, адабий-танқидий қарашларнинг вужудга келиши сабаби бўлиб, натижа – адабий танқид, ўз навбатида, бадиий ижоднинг тараққиёти сабабига айланади, шундай қилиб, улар ўзаро алоқага киришадилар”⁴⁸.

⁴⁰ Рональд Р. Ойбекнинг илк шеъриятида бадиий образ // Ўзбек тили ва адабиёти, 1980, № 5. – Б. 28– 32.

⁴¹ Allworth A. The soviet russian impact on uzbek literary activity: diss...doktor of philosophy. – Columbia University, 1959. – 347 р.

⁴² Murphy M. The relationship of Abdulla Qodiriy's historial novels to the earlier uzbek literary traditions (a comparison of narrative structures):diss... doktor of philosophy. – University of Washington, 1980. – 223 р.

⁴³ Agir.A. From colonial past to past – colonial future: three uzbek novels (Qodiriy, Oybek, Hoshimov): diss...doktor of philosophy. – University of Wisconsin – Madison, 2003. – 276 р.

⁴⁴ Фоғуров И. Ўттиз йил изҳори. – Тошкент: Faфур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа уйи, 1987. – Б. 94-98.

⁴⁵ Фоғуров И. Юрак аланга. – Тошкент: Faфур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1985.– Б 201; Фоғуров И. Мангу латофат. – Тошкент: Шарқ, 2008. – Б. 205–215.

⁴⁶ Расулов А. Танқидчилик уфқлари. – Тошкент: Faфур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1985. – Б. 28.

⁴⁷ Каримов Ҳ. Истиқлол даври адабиёти. – Тошкент: Yangi nashr, 2010. – Б. 5

⁴⁸ Валихўжаев Б. Ўзбек адабиётшунослиги тарихи. – Тошкент: Ўзбекистон, 1993. – Б. 6.

Ойбек асарлари ҳам танқидчиликнинг нигоҳида мунтазам ўрганилиб, истиқлол йилларида янги ёндашувлар асосида ўзгача маъно касб этди. Мустақиллик йилларида Ойбек ижоди бўйича олиб борилган тадқиқотлар ойбекшунослик тараққиётига улкан ҳисса бўлиб қўшилди. Ойбек ижоди шаклий изланишлар асосида ўрганилди. “Мустақиллик даври ўзбек шеърияти мазмунан китобхонни тафаккурга чорловчи, интеллектуал мушоҳадалар уйғотувчи, сўзнинг маъно қатламларини чуқур таҳлил эта билишга чорловчи бадиий-эстетик ҳодиса сифатида янги босқичга кўтарилди”⁴⁹.

Мустақиллик йилларида А.Сабирдинов Ойбек шеъриятининг изчил таҳлилига оид бир қанча монографиялар, ўқув-услубий қўлланма, рисола ва мақолалар чоп эттириди. Ушбу ўринда “Истиқлол йилларида Ойбек шеъриятини янгича нуқтаи назардан тадқиқ этган И.Хақкул, И.Фафуров, У.Хамдам, А.Сабирдинов каби олимларнинг ишлари ҳам эътиборга лойиқлигини айтиб ўтиш лозим”⁵⁰ деган фикрлар характерлидир. А.Сабирдинов “Ойбек шеъриятида сўз ва образ” номли номзодлик ишида, “Ойбек достонларининг бадиий-услубий хусусиятлари”, “Ойбекнинг шеърий маҳорати” монографиялари, “Умумтаълим мактабларининг 5- ва 9-синфларида Ойбек ҳаёти ва ижодини ўрганиш”, “Мактабда Ойбек ҳаёти ва ижодини ўрганиш” ўқув-услубий қўлланмаларида Ойбек шеърий маҳоратига хос жиҳатлар, ижодкорнинг достончилик тараққиётига қўшган ҳиссаси, мактаб ва ўқув юртларида асарларини ўрганишдаги ўзига хос жиҳатларини кўрсатиб беради⁵¹. Ойбекшунослик тараққиётida адабиётшунос У.Хамдамнинг Ойбек шеъриятида “соф лирика” муаммосига бағишлиланган тадқиқот иши⁵² ўзига хос талқинлари билан ажralиб туради. У. Хамдам ўз тадқиқотида Ойбек шеърияти жаҳон тан олган кўнгил шеърияти андозаларига мувофиқ тушишини қатор мисоллар орқали ёритиб берган. Мунакқид Ойбекнинг давр мафкураси боис бир қатор “ижтимоийлашган” дея талқин этилган шеърларини кўнгил шеърияти деб баҳолайди ва уларни соф лирика маҳсули эканлигини исботлаб беради. У.Хамдам 1997 йилда “30-йиллар ўзбек шеъриятида “соф лирика” муаммоси” (Ойбек шеърлари мисолида) мавзусидаги илмий тадқиқотида Ойбекнинг рамзлардан фойдаланиш маҳоратига эътибор қаратади. Балки бу шеър оддий китобхон учун ҳеч қандай маъно англатмас, шоир шеъриятидан чуқур моҳият излаган адабиётшунос ҳар бир сўздан рамз қидиради: “Учib ер тишилайди бир гала япроқ... Сасида қуёшнинг, баҳорнинг ёди... Шеър рамзий бўлиб, ўзида кўплаб маъно

⁴⁹ Орипова Г. Мустақиллик даври ўзбек шеъриятининг гоявий-эстетик ва бадиий хусусиятлари: Филол. фан. бўйича фалсафа доктори(PhD)... дисс. – Фарғона, 2019. – Б. 42.

⁵⁰ Назаров Б, Расулов А, Ахмедова Ш, Қаҳрамонов К. Ўзбек адабиёти танқиди тарихи. – Тошкент: Тафаккур қаноти, 2012. – Б. 224.

⁵¹ Сабирдинов А. Мактабда Ойбек ҳаёти ва ижодини ўрганиш. – Фарғона, 2009. – 63 б; Сабирдинов А. Маънавият ва маърифат чашмалари. – Тошкент: Akademnashr, 2016. – 138 б; Сабирдинов А. Ойбек достонларининг бадиий-услубий хусусиятлари. – Тошкент: Истиқлол, 2003. – 76 б; Сабирдинов А. Ойбек шеъриятида сўз ва образ. – Тошкент: Akademnashr, 2010. – 87 б; Сабирдинов А. Ойбекнинг шеърий маҳорати. – Тошкент: Фан, 2005. – 171 б.

⁵² Хамдам У. 30-йиллар ўзбек шеъриятида “соф лирика” муаммоси (Ойбек шеърлари мисолида): Филол.фан.номз... дисс. – Тошкент, 1997. – Б. 142.

қатламларини яшириб турибди”⁵³. У.Ҳамдам япроқни инсон ҳаётига қиёслайди, унинг фикрича, япроқ баҳор қуёшидан тафт олиб, кузда хазон бўлиши каби инсон ҳам тугиларкан, ўлимнинг муқаррарлигига ишонади. Шоир шеърияти шўро даврида асосан социологик метод асосида таҳлил этилган бўлса, ушбу тадқиқотда эстетик таҳлил устуворлик қиласи. Ойбек шеърлари таҳлил қилинар экан, улардан, аввало, эстетик завқ топиш мақсад қилинади. У.Ҳамдамнинг фикрича, шеъриятда севинч ва қайғу доимо ёнма-ёндир. Асосийси, бу туйғуларнинг натижаси қўнгил қониқиши экани тадқиқотчи томонидан таъкидланади. “Бу шеър қайғу билан бошланиб, қайғуда тинади. Бироқ шундайки, натижада ундан – “ваҳший қоялардан” “бир сават оқ гул” – наъматак ўсиб чиқади: *Тоғлар ҳавосининг ферузасидан, Майин товланади бутун ниҳоли. Ваҳший қояларнинг ажисб ижоди: Юксакда рақс этар бир туп наъматак, Қуёшга бир сават гул тутиб хурсанд!* Шоир–да, аслида, худди наъматак сингари шафқатсиз дунёнинг ноёб асари. У ҳам ваҳший қояларда туғилган, қийналган, ниҳоят, “қуёшга бир сават оқ гул” узатган наъматак янглиғ нафис туйғулари гулдастасини оламга тутган”⁵⁴. Олим Ойбекнинг “Наъматак” шеъри таҳлилига янгича ёндашади ва наъматакни шоирнинг айнан ўзи, деб атайди. У.Ҳамдам “Ойбекнинг жуфт қаноти”⁵⁵ мақоласида ҳам Ойбек лирикасини камалакнинг рангларига қиёслайди. Юқорида А.Сабирдинов Ойбек шеъриятининг тузилиши, вазн, банд, қофия билан боғлиқ масалаларга, шоир шеъриятининг шакли борасидаги изланишларга эътибор қаратган бўлса, У.Ҳамдам тадқиқотларида, асосан, шоир шеърларининг ғояси, мазмун-моҳияти, матн ости маънолари очиб берилган. Бир пайтлар ижтимоий тус берилган шеъриятнинг асли “соф лирика” эканлигини исботлаган. Бундан ташқари, Ойбек ижодига эътиборли бўлган мунаққидлар ҳам мустақиллик йилларида шоир шеъриятига мурожаат этдилар. Жумладан, Умарали Норматовнинг “Тафаккур ёғдуси” китобига киритилган “Жаҳон янги шеъриятига ҳамоҳанг тароналар” мақоласида⁵⁶, “Ойбек замондошлари хотирасида”⁵⁷(2005) номли тўпламдан жой олган Озод Шарафиддиновнинг “Миллатни уйғотган адаб”, Мақсуд Шайхзоданинг “Адаб ҳақида қайдлар”, Миртемирнинг “Устоз ҳақида”, Миркарим Осимнинг “Истеъдодли шоир”, Сайд Аҳмаднинг “Шуъла”, Абдуқодир Ҳайитметовнинг “Ойбек менинг тақдиримда”, Эркин Воҳидовнинг “Бир хатонинг изтироблари”, Абдулла Ориповнинг “Бир умрга татирлик”, Наим Каримовнинг “Ойбек коинотидаги юлдузлар” номли мақолаларида Ойбекнинг ижодий фаолиятига турлича қарашлар ва ёндашувларни кўришимиз мумкин⁵⁸.

⁵³Ҳамдамов У. 30-йиллар ўзбек шеъриятида “соф лирика” муаммоси (Ойбек шеърлари мисолида) Филол.фан.номз... дисс. – Тошкент, 1997. – Б. 58.

⁵⁴Ҳамдамов У. 30-йиллар ўзбек шеъриятида “соф лирика” муаммоси (Ойбек шеърлари мисолида): Филол.фан.номз... дисс. – Тошкент, 1997. – Б. 56.

⁵⁵Ҳамдамов У. Ойбекнинг жуфт қаноти // Ўзбекистон адабиёти ва санъати, 2020 йил 28 июль.

⁵⁶Қаранг. Норматов У. Тафаккур ёғдуси. – Тошкент, 2005. – Б 39– 42.

⁵⁷Қаранг. Ойбек замондошлари хотирасида. – Тошкент: Faafur Fulom nomidagi Adabiёт va san'yat nashriёti, 2005. – Б. 159.

⁵⁸Ойбек замондошлари хотирасида. – Тошкент: Faafur Fulom nomidagi adabiёт va san'yat nashriёti, 2005. – Б. 159.

Хуршид Дўстмуҳаммаднинг ҳам “Озод изтироб қувончлари”⁵⁹ рисоласида ҳам Ойбек шеърияти Япон шеъриятига қиёсланади. Бундан ташқари, Қ.Йўлдошевнинг “Очилимаган ғунчалар чиройи”, У.Тўйчиевнинг “Ойбекнинг шеър тузилиши” номли бир қатор мақолалари мавжудки, уларда адаб ижодининг турли кирралари ёритилган. Профессор Й.Солижоновнинг “Ҳақиқатнинг синчков кўзлари” номли китобига киритилган “Ойбекнинг гуллаётган наъматаги” номли мақоласи⁶⁰да, профессор Д.Қуруновнинг “Адабиётшуносликка кириш” китобида⁶¹ “Наъматак” шеъри ўзига хос ифода йўсинида таҳлил қилинган. Мустақиллик йилларида Ойбек ижодига тубдан янгича қарашлар С.Қуруновнинг “Замонавий ўзбек шеъриятда бадиий синтез муаммоси” номли мақоласида⁶² акс этган. У Ойбек “чизган” манзараларни Европада XIX аср ўрталарида вужудга келган импрессионизм йўналиши вакиллари: Моне, Ренуар, Ван Гог асарларига қиёслайди.

Хулоса қилиб айтганда, Ойбек шеъриятига дастлаб мустақилликдан олдинги давр умумий фонида муносабат билдирилган бўлса, истиқлол шарофати билан кўнгилда қолиб кетган қарашлар изҳорига изн берилди. Хусусан, А.Сабирдинов Ойбек шеъриятида вазн билан боғлиқ масалаларни, У.Ҳамдам ички маъно ва моҳиятни, Й.Солижонов ўзига хослигини, С.Қурунов рамзий маъноларни таҳлил этди.

Диссертациянинг учинчи боби “**Ойбек эпик асарлари талқини**” деб номланган. Бобда, асосан, Ойбекнинг эпик асарлари таҳлили борасидаги тадқиқотлар таҳлил этилган. “**Ойбекнинг лиро-эпик асарлари тадқиқи**” номли биринчи фаслда Ойбек достонларининг ойбекшуносликда танқидчилар томонидан ўрганилганлиги ёритилган. “Ўзбек адабиётида ҳозирга қадар энг кўп достон ёзган шоир мавлоно Ойбекдир. У лирик шеърият шоирнинг руҳий ҳаётини, эпик шеърият эса ҳалқ ва мамлакат ҳаётини акс эттиради, деган ақидадан келиб чиқиб, лирик шеърият намуналари билан бирга йигирмага яқин достон ҳам яратган”⁶³.

Шоирнинг достонлари Ҳомил Ёқубов, Собир Мирвалиев, Матёқуб Кўшжонов, Акбарали Сабирдиновлар томонидан маҳсус ўрганилган бўлса, айрим тадқиқотларда, баъзи анжуманлар тўпламларида⁶⁴ адаб достонлари бўйича мақолалар, тезислар эълон қилинган. Ойбек достонларини илк бор профессор Ҳ.Ёқубов тадқиқ этган. Мунаққид талқинича, Ойбек “Дилбар – давр қизи” достонида янги давр кишисининг порлок қиёфасини, “Навоий” достонида ҳалқ манфаати учун бир умр мунофиқларга қарши тура олган комил инсон образи,

⁵⁹ Дўстмуҳаммад Ҳ. Озод изтироб қувончлари. – Тошкент: Маънавият, 2000. – 112 б.

⁶⁰ Солижонов Й. Ҳақиқатнинг синчков кўзлари. – Б. 33.

⁶¹ Қурунов Д. Адабиётшуносликка кириш. – Андижон: Ҳаёт, 2002. – Б. 63.

⁶²<https://quronov.uz/>замонавий-ўзбек-шеъриятда-бадиий-син.

⁶³Каримов Н. Олтин водий шабадалари // Т.Низом.Сайланма. Уч жилдлик. 1-жилд. – Тошкент: Шарқ, 2007. – Б. 11.

⁶⁴Қаранг: Ойбек ижодининг маънавий-маърифий ахамияти. Республика илмий-амалий конференцияси. – Гулистон, 2016. – 216 б.

“Кизлар” достонида образларнинг ҳаққоний, ҳаётий акс эттирилганлиги, “Ҳамза” достонида атоқли адаб Ҳамза Ҳакимзода Ниёзийнинг фожеали ҳаёти, “Зафар ва Захро” достонида Покистоннинг ночор болалари оғир турмуш тарзи, “Бобом” достонида бобо невараларига ўтмиш хотираларини ёдга олиш орқали ўз ҳаётининг машақкатли йўллари ҳақидаги ўгитлари, “Гулноз” достонида колхозлаштириш компанияси ва давр мураккабликларини, “Даврим жароҳати” достонида Хиросима ва Нагасаки шаҳарларнинг вайронага айланиш фожиасини акс эттирган⁶⁵. М.Қўшжоновнинг “Ойбек маҳорати” монографиясида характер масаласи ёритилган. Мунаққид адебнинг қаҳрамон характерини шакллантира олишида ҳеч кимга ўхшамаган услубини ёритади. Танқидчи унинг “Дилбар – давр қизи” поэмаси таҳлилида ўзбек хотин-қизларининг илфор ва типик вакили характерини жуда мукаммал яратади олганлигини, “Ўч” поэмаси, чапанилар ҳаётига бағишланиши,⁶⁶ “Бахтигул ва Соғиндиқ” таҳлилида Соғиндиқнинг характерида мавхумлик кўплиги⁶⁷ни қайд этади. Ойбек достонлари Н.Рахимжонов томонидан ҳам ўрганилган.⁶⁸ Унинг “Ўзбек совет адабиётида поэма” номли китобида, “Ойбек поэмаларида қаҳрамон концепцияси”⁶⁹ мақоласида шоир достонларининг ўзига хос хусусиятлари очиб берилган. “Ойбекнинг етук маҳорати шундаки, у ҳалқ онгидаги уйғониб келаётган инқилобий тўлқинни шахснинг ўзлигини, ўз қадру қимматини англаши орқали акс эттиришга муваффақ бўлди. Бу нарса Ойбекнинг 30-йиллар адабиётимизда шаклланишиб бораётган янги қаҳрамон концепциясининг шаклланишига қўшган муносиб ҳиссаси эди”⁷⁰.

А.Сабирдинов Ойбек достонларини таҳлил этиб, қаҳрамонларнинг кўламдорлиги, мавзу жиҳатдан хилма-хиллиги, достончилигимиз анъаналарини давом эттирган қимматли манба эканини таъкидлайди⁷¹. Умуман олганда, Ойбекнинг тасвир яратиш маҳорати, ифода мукаммаллиги, лирик қаҳрамон қиёфаси, ҳаётий тафсиллар, хилма-хил образлар чизиш имконияти монографияда мисоллар билан батафсил далилланган. Шунингдек, А.Сабирдинов Ойбек достонларини бандланишига кўра ҳам гуруҳларга ажратган. Унга асосан адаб достонлари:

- бандланишида изчиллик бир хил сақланган достонлар;
- аралаш бандланишли достонлар;
- қисмларга бўлинган ёки бандланишга эга бўлмаган турларга ажратилган.

⁶⁵Қаранг. Ёкубов X. Ойбек реализми. – Тошкент: Ўзбекистон, 1985. – Б. 9-15; Ёкубов X. Ойбек. – Тошкент: Ўзбекистон, 1975. – Б. 10-15.

⁶⁶Қўшжонов М. Ойбек маҳорати. – Тошкент: Тошкент бадиий адабиёт нашриёти, 1965. – Б. 12.

⁶⁷Қўшжонов М. Ойбек маҳорати. – Тошкент: Тошкент бадиий адабиёт нашриёти, 1965. – Б. 25.

⁶⁸Қаранг:Рахимжонов Н. Давр ва ўзбек лирикаси. –Тошкент: Фан, 1979. – 188 б; Ўзбек совет адабиётида поэма. – Тошкент: Фан, 1986. – 175 б.

⁶⁹Рахимжонов Н. Ойбек поэмаларида қаҳрамон концепцияси // Ойбек ижодий методи ва бадиий маҳорати. – Тошкент: Фан, 1985. – Б. 47 – 57.

⁷⁰Рахимжонов Н. Ойбек поэмаларида қаҳрамон концепцияси // Ойбек ижодий методи ва бадиий маҳорати. – Тошкент: Фан, 1985. – Б. 51.

⁷¹Сабирдинов А.Ойбек достонларининг бадиий-услубий хусусиятлари. – Тошкент: Истиқлол, 2003. – Б. 5.

Учинчи бобдаги “**Ойбекнинг насрий асарлари таҳлили**” деб аталган иккинчи фаслда ёзувчининг “Нур қидириб”, “Болалик”, “Алишернинг ёшлиги” номли қиссалари, “Навоий”, “Қутлуғ қон”, “Улуг йўл”, “Олтин водийдан шабадалар”, “Қуёш қораймас” номли романлари ойбекшунослар томонидан тадқиқот обьекти сифатида алоҳида ўрганилганлиги ёритилган. Адиг қиссалари ойбекшунослар томонидан ҳам тадқиқот обьекти сифатида танлаб олинган. Хусусан, Ҳ.Ёқубов “Нур қидириб”, “Болалик” қиссаларини таҳлил этган. Бундан ташқари, М.Кўшжоновнинг, М.Аҳмадбоеванинг, С.Иброҳимованинг⁷², Л.Қаюмовнинг⁷³ “Нур қидириб” қиссаси бўйича таҳлиллари келтирилган. Профессор Й.Солижонов ҳам Ойбекни прозада новатор поэтик тасвир устаси эканини қайд этган⁷⁴. Ҳ.Ёқубовнинг Ойбек ижодига бағишилаб ёзган барча илмий асарлари ўзининг пухталиги, далилларга бойлиги, илмий хулосаларнинг теранлиги билан ажралиб турса, М.Кўшжоновнинг асарлари ўзига хос услуги, характерларнинг синчковлик билан кузатилганлиги, шакл ва мазмун, методнинг бадиий маҳоратга боғлиқлигини очиб берган.

Фаслда Ойбекнинг романлари бўйича ҳам яратилган тадқиқотлар ўрганилган. Ёзувчининг тарихий романи бўлган “Навоий” тадқиқида М.Кўшжонов характер яратиш маҳоратини текширди. Мунаққид “Навоий” таҳлилида Навоий образини яратишида жамиятнинг илғор фикрловчи, юксак орзу-истаклари учун кураш олиб борган шахс сифатларини очишига қаратганини эътироф этади. М.Кўшжонов “Навоий” романи замирида муаллифнинг урушга қарши нафратини илғаб олиш учун чинакам адабиётшуносга хос зукколик зарур”⁷⁵, деган эди. Унинг фикрига кўра, Абдулла Қодирий, Абдулҳамид Чўлпон қатағон қилиниб, асарларини ўқиш таъкиқланган даврда шикастланган роман жанрининг ривожига ҳисса қўшиш вазифаси Ойбекдек забардаст ёзувчининг зиммасида эди. Ҳ.Ёқубов Ойбек Навоийни темурийлар давлатининг танг ва инқирозга юз тутган пайтида темурийлар давлати бирлигини сақлаб қолиш йўлини излаган фидойи инсон қиёфасида тасвирлаган, дея баҳолайди.

Ойбекнинг “Навоий” романи бўйича 1971 йилда Ботир Файзиевнинг қайта ишланган “Навоий” романида тарихий воқелик ва бадиий тўқима”⁷⁶ номли монографияси тадқиқ этилган. Ойбекнинг тарихий роман яратиш маҳорати ҳам ўрганилган. Умарали Норматовнинг “Тарихий жанр мастери Ойбек”⁷⁷ дейиши бежиз эмас.

“Қутлуғ қон” романи М.Кўшжоновнинг таҳлилларида қаҳрамонларнинг шахсий ҳаёти тарихий давр воқелиги билан боғлиқ ҳолда очиб берилган. Ӯ.Ўтаевнинг қайд этишича, М.Кўшжонов Йўлчи

⁷²Каранг: Ахмадбоева М, Иброҳимова С. Ўзбек адабиёти. – Тошкент: Ўздавнашр, 1962. – 254 б.

⁷³Каранг: Қаюмов Л. Замондошлар. – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1985. – Б. 53.

⁷⁴Каранг: Ойбек ижодининг маънавий-маърифий аҳамияти. Республика илмий-амалий конференцияси. – Гулистон, 2016. – Б. 15 – 17.

⁷⁵Кўшжонов М. Кўнгилда қолиб кетган гаплар. – Тошкент: Маънавият, 2006.– Б. 5.

⁷⁶Файзиев Б. Навоий романида тарихий воқелик ва бадиий тўқима. – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1971. – Б. 160.

⁷⁷Норматов У.Етуклик. – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1982. – Б. 74.

образи тадрижини икки босқичга бўлади: бири – мавжуд тузумга итоат қилиш ва ишониш; иккинчиси – тузум тартиблариға қарши чиқиши билан характерланишини очиб берган⁷⁸. Наим Каримов “Қутлуғ қон” романида XX аср бошларидағи миллий уйғониш даври воқелиги акс этганини, профессор Й.Солижонов “Ҳақиқатнинг синчков кўзлари” китобида Ойбек романни яратишда устози Абдулла Қодирий изидан борганлигини, А.Расулов “Тунда чақнаган юлдуз” этюдида романининг ёзилиш тарихини қайд этади. Ойбекнинг “Улуғ йўл” романи хусусида Л.Қаюмовнинг “Замондошлар” китобида қайдлар мавжуд. М.Қўшжоновнинг роман ҳақидаги хулосалари ҳам фикримизни исботлайди: “Ўзбек халқининг янги ҳаёт сари улуғ йўли ҳақидаги бу романни, Ойбекнинг барча шеърлари, поэмалари ва романларини революция ҳақидаги эпопеяниң охирги боби, хотималовчи қисми дейиш мумкин”⁷⁹. Бундан ташқари фаслда ёзувчининг “Қуёш қораймас” ва “Олтин водийдан шабадалар” романлари бўйича М.Қўшжонов қайдлари берилган. “Бадиий ижодда қаҳрамоннинг ишларини тасвирламасдан аввал, шундай деталларни кўрсатиш муҳимки, бу деталлар қаҳрамоннинг келгусидаги ҳаракати тақозоси, далили, сабаби, асоси бўлиб қолиши лозим, келгуси унумнинг дони бўлиши керак. Романнинг бу бобларида унум бору дон йўқдек бўлиб қолган”⁸⁰. Хуллас, адебнинг барча романлари ҳам адабий танқидчиликни бефарқ қолдирмаган. Романларнинг ютуқ ва нуқсонлари холис баҳоланган.

Бобнинг учинчи фасли “**Ойбек адабий-танқидий қарашларининг ўрганилиши**” деб номланган. Ойбек ёзувчи ва шоир бўлиши билан бирга, ўз даврининг адабиётшунослигига танқидий ишлари билан муносиб ҳисса қўшган. Ойбекнинг бу соҳадаги фаолияти биринчи марта Озод Шарафиддинов томонидан тадқиқ этилган. Унинг “Истеъод жилолари” китобидаги “Сўз санъатига фидойи садоқат” номли бўлими Ойбекнинг адабиётшунос сифатидаги фаолиятига бағишиланган. “Ойбек истеъодининг олмос қирраларидан бири – унинг адабиётшунослик ва танқидчилик фаолиятида ярқираб кўринади”⁸¹, дея таъкидлаган устоз адабиётшунос. Б.Назаров ўзининг “Ўзбек адабий танқидчилиги” китобида “30-йиллар ўзбек танқидчилиги ва адабиётшунослигига жиддий ўринни ишғол қилган тадқиқотлардан бири Ойбекнинг А.Қодирий ҳақидаги асаридир”⁸². деганида тўла ҳақлидир. Академик Б.Назаров Ойбекнинг адабий-танқидий мақолаларини ilk бора монографик йўсинда таҳлил этган. Б.Назаров Ойбек танқидий қарашларини икки даврга ажратади:

1) Ойбек эстетикасининг шаклланиш даври (1924-1938й.);

⁷⁸Ўтаев Ў. Танқид ва услуб. – Тошкент:Faafur Fулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1979. – Б. 129.

⁷⁹ Қўшжонов М. Сайланма. Биринчи жилд. – Тошкент: Faafur Fулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1982. – Б. 107.

⁸⁰ Қўшжонов М. Ойбек маҳорати. – Тошкент: “Тошкент”, 1965. – Б. 174.

⁸¹ Шарафиддинов О.Истеъод жилолари.Адабий портретлар. – Тошкент:Faafur Fулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1976. – Б. 124.

⁸² Назаров Б. Ўзбек адабий танқидчилиги. – Тошкент: Фан, 1979. – Б. 216.

2) Ойбек ўзбек адабиётининг етук намояндаси бўлган давр (1938-1968 йй.).

Б.Назаров: “Ойбек эстетикасининг шаклланиши ҳақида гапирав эканмиз, даставвал, шу эстетиканинг шаклланишига омил бўлган манбалар ҳақида икки оғиз гапиришга тўғри келади. Авваламбор, шуни айтиш лозимки, Ойбекнинг эстетик ва адабий-танқидий қарашлари, ўз ижодининг назарий инъикосидир.”⁸³ Ойбекнинг биринчи тақризи Фитратнинг “Адабиёт қоидалари” китобига шу ном билан ёзилган. Иккинчи танқидий мақоласи эса “Айн”нинг “Ўзбек шоирлари. Чўлпон” мақоласига жавобан “Чўлпон шоирни қандай текшириш керак?”⁸⁴ номли мақоласи эди. Ойбекка жавобан Усмонхон “Мунаққиднинг “мунаққиди” мақоласини ёзган. Сўнгра Ойбекнинг ҳам унга жавобан “Мунаққиднинг “мунаққиди”и мақоласи эгасига” мақоласи чиқди. Танқидчининг қайд этишича, бу мақолалар ўша даврнинг энг мунозарали мавзуси бўлган. Умуман олганда, Бахтиёр Назаров ўз хулосаларида Ойбекнинг назарий қарашлари, адабий жараёнга бўлган танқидий муносабати унинг буюклигига тамал тоши бўлганини айтган. Б.Назаровнинг номзодлик диссертацияси Ойбек адабий-танқидий қарашларини ўрганишга бағишиланган⁸⁵. Ойбекнинг илмий фаолияти ойбекшуносларнинг мақолаларида ҳам ўз аксини топган. “Ойбек ижодий методи ва бадиий маҳорати”⁸⁶ номли тўплам ҳам Ойбек ижодига бағишиланган. Н.Каримовнинг “Ўзбек адабиётида социалистик реализм методининг шаклланиши ва тараққиётида Ойбек ижодининг аҳамияти масаласига доир”⁸⁷ илмий мақоласи Ойбекнинг адабиётшунос олим сифатидаги хизматларига бағишиланган. Шундай қилиб, ёзувчи Ойбекнинг адабиётшунос-мунаққид сифатидаги фаолияти ҳам таҳлил ва тадқиқ этилган.

ХУЛОСА

1.Ойбек XX аср ўзбек адабиётида ҳажман салмоқдор, бадиий жиҳатдан юксак асарлар яратиш борасида юқори поғонада туриши адабиётшуносликда эътироф этилди. Унинг шахсий фазилатлари асарларидаги қаҳрамонларда бадиий ифодасини топганлиги тадқиқотларда теран ёритилиб, ижодидаги ўзига хослик, бетакрор услугуб масалаларига эътибор қаратилди.

2.XX асрнинг 20-йилларидан бошлаб Ойбек ижоди, таржимаи ҳоли, фаолиятини ўрганиш борасида яратилган қатор тадқиқотлар асосида ойбекшунослик мактаби шаклланди. Фавқулодда меҳнаткаш, чукур хотира, кенг билим ва дунёқараш соҳиби бўлган юксак истеъодд феноменини ўрганиш ушбу тадқиқотларнинг мазмун-моҳиятии ташкил этади.

⁸³ Назаров Б. Бу сехрли дунё. – Тошкент: Гафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1980. – Б. 28.

⁸⁴ Чўлпон ва танқид. – Тошкент: Адабиёт жамғармаси, 2004. – Б. 84.

⁸⁵ Назаров Б. Бу сехрли дунё. – Тошкент: Гафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1980. – Б. 172; Назаров Б. Ҳаётйлик – безавол мезон. – Тошкент: Ёш гвардия, 1985. – Б. 218(34-64).

⁸⁶ Ойбек ижодий методи ва бадиий маҳорати. – Тошкент: Фан, 1985. – Б. 206.

⁸⁷ Ойбек ижодий методи ва бадиий маҳорати. – Б. 3.

3.Мустақиллик арафаси ва мустақиллик йиллари ойбекшунослигига Ойбек ҳаёти, фаолияти, адабий мероси тадқиқида унинг қатағонга асосланган шўро даври адабий муҳити таҳлили билан уйғунликда ўрганиш етакчилик қилғанлиги кўзга ташланади. Шахс ва ижодкор сифатидаги улуғ адиб қиёфасини муштарак намойиш этиш орқали асарлари микроструктураси таҳлилида ижодкор шахсининг ўрни ҳамда аҳамияти масалаларига эътибор қаратилди.

4.Ойбек шеърлари яратилган илк даврдан у ҳақдаги мақолалар юзага келди. XX ва XXI аср ўзбек шеърияти тараққиётида Ойбек ижодининг ўрни ва аҳамияти тадқиқи ойбекшуносликнинг мазмун-моҳиятини ташкил этади. Тадқиқотларда шоир шеърлари кўплаб ҳикоя, қисса, романларнинг яратилишида, қатор қаҳрамонлар қиёфасининг бошқа тур ва жанрдаги асарларда юз кўрсатишидаги дастлабки чизги, пойдевор вазифасини ўтагани таъкидланади.

5.Ижтимоий-сиёсий ўзгаришлар натижасида Ойбек ижодини ўрганиш босқичлари янгиланишларни бошдан кечирди. Шоирнинг илк шеърлари, таъсир манбаларини, асарлари яратилиш тарихини, ижодий лабораториясини холис, ҳаққоний, изчил ўрганиш имкониятининг юзага келганлиги адабиётшуносликда эътироф этилди. Ойбек шеърияти “соғ лирика”, “кўнгил шеърияти”, “модерн шеърият” деган атамалар билан жаҳон шеърияти контексида таҳлил ва талқин этилди.

6.Достончиликда Ойбек ижодига баҳо бериш ижтимоий-сиёсий воқеликнинг долзарб масалалари талқинига кўра баҳолашдан бадиият, маҳорат, услугуб масалалари, матн ости маъноларини ўрганиш, унинг турли вариантларини таққослаш томон юз бурди. Улуғ шоирнинг достончилигимиз тараққиётидаги ўрни ҳалқ оғзаки ижоди, Шарқ ва Ғарб адабиёти анъаналарини давом эттириш борасидаги маҳоратини ёритиш орқали кўрсатиб берилди.

7.Қиссачилик тараққиётида Ойбек ижодининг ўрни ва аҳамияти тадқиқи борасида ойбекшуносликда муайян ишлар амалга оширилди. Бу борада келгусида амалга ошириладиган тадқиқотлар, ечимини кутаётган муаммолар борлиги адабиётшуносликда эътироф этилди.

8.XX аср ўзбек романчилигининг тараққиёти, XXI асрдаги янгиланишларни Ойбек романларисиз тасаввур этиш мумкин эмас. Ойбек романлари сюжет ва композицияси, маҳорати, қаҳрамонлар характеристидаги эволюцион жараён, конфликт ва бадиий хусусиятлар, тил масалалари тадқиқи орқали ёзувчи асарларининг ушбу жанр ривожидаги ўрнини кўрсатиб беради.

9.Ойбекнинг тарихий роман яратиш борасидаги маҳорати етук адабиётшунослар томонидан ўрганилди. Бу борада ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги кескин ўзгаришлар натижасида шўро салтанатининг емирилиши арафасида улуғ адиб асарларидаги у ёки бу қаҳрамонга баҳо беришда “популистик” ёндашувлар бўлғанлиги ойбекшуносликда ҳам кузатилди. Шунингдек, ёзувчини ўтмишни “идеаллаштириш”да айлаш, асарда айрим архаик сўзларни қўллашни қоралаш ҳолатлари 50-йиллар адабиётшунослигига кўзга ташланади.

10. Ўзбек мумтоз ва замонавий адабиёти, халқ оғзаки ижодининг етуқ тадқиқотчиси сифатидаги Ойбек илмий меросини ўрганган тадқиқотчилар “вульгар социализм” назарияси ҳукмрон муҳитда 20-30-йилларда Алишер Навоий каби буюк сиймо ҳақида дастлабки мақолаларни эълон қилганини, бу борадаги илмий меросининг алоҳида аҳамиятини кўрсатиб бердилар.

**SCIENTIFIC COUNCIL AWARDING SCIENTIFIC DEGREE DSc.
03/30.12.2019.Fil.05.02 AT FERGHANA STATE UNIVERSITY
FERGHANA STATE UNIVERSITY**

DEHKONOVA MAHSUMA SHAVKATOVNA

OYBEK STUDIES AND THE STAGES OF ITS DEVELOPMENT

10.00.02. – Uzbek literature

**DISSERTATION ABSTRACT FOR DOCTOR OF PHILOSOPHY IN
PHILOLOGICAL SCIENCES (PhD)**

Ferghana – 2021

The theme of PhD dissertation is registered by Supreme Attestation Commission at the Cabinet of Ministry of the Republic of Uzbekistan under the number B2019.3.PhD/Fil.954

The dissertation has been prepared at Ferghana State University.

The abstract of the PhD dissertation is posted in three (Uzbek, English and Russian (Resume)) languages on the website of the Scientific Council (www.fdu.uz) and on the website «ZiyoNet» Information-educational portal (www.ziyonet.uz)

Scientific consultant:

Sabrdinov Akbar Gofurovich
Doctor of Philological sciences, Professor

Official opponents:

Doctor of Philological sciences
Khasanov Shavkat Ahadovich
Doctor of Philological sciences
Tadjibayeva Muqaddas Abdurahimovna

Leading organization:

Namangan State University

Defense of the Dissertation will take place on «13 » 06 2021, at 13:00 p.m. at a meeting of Scientific Council DSc. 03/30.12.2019.Fil.05.02 under Ferghana State University (Address: 19, Murabbiylar Street, Ferghana, 100151. Tel: (99873) 244-66-02; fax: (99873) 244-44-01; e-mail: info@fdm.uz).

Dissertation could be reviewed information-resource center of Ferghana State University (registration number 111). Address: 19. Murabbiylar Street, Ferghana, 100151, Tel.: (99873) 244-71-28.

Dissertation abstract sent out on «16 » 06 2021.
(Mailing report number 13 on «16 » 06 2021).

A.A.Kosimov

Chairman of Scientific Council Awarding scientific degree, Doctor of Philological sciences, Professor

M.T.Zokirov

Secretary of Scientific Council Awarding scientific degree, Candidate of sciences, docent

S.R.Mirzaeva

Chairwoman of Scientific Seminar at the Scientific Council awarding scientific degree, Doctor of Philological sciences, Professor



INTRODUCTION (annotation of the dissertation of the doctor of philosophy (PhD))

The actuality and significance of the dissertation work.

In studies of the world literary criticism, the analysis and interpretation of the phenomenon of the creator, his life, the history of the creation of his works, the peculiarities of the genre are of great practical importance. Indeed, the scope of development of the creative process cannot be determined without the analysis of fiction. It is intended to substantiate the place of a particular creator in the evolution of the art of the spoken word, to give an idea of the literary process specific to a particular period.

In the world literature, there is a growing interest in the theoretical study of the creator and his works, the literary environment, socio-political conditions and the creative process. This, in turn, allows us to understand to some extent the unique creative process, the mysteries of the word, the situation and experiences that belong only to the creative person. The main task of the literary criticism enriches the theoretical foundations of science, the interpretation of creative skills, the assessment of its place in the literary process. Such a scientific approach, at the same time, provides an objective and sincere approach to the activities of a particular creator.

In modern Uzbek literature, effective work has been done in order to study the literary and aesthetic views of the representatives of Uzbek literature of the twentieth century, to study them on the basis of new requirements. This, in turn, necessitates a consistent interpretation of the creative biography, scientific and creative activity, works, creative potential, factors of creation of his works, the stages of Oybek studies. After all, "Literature shows the heart of the people, the spirituality of the people. In today's complex world, it is necessary to use the influential power of literature to find a way into the hearts of people, to inspire them to noble goals. We will create all conditions for studying the heritage of our ancestors, creating a great literature worthy of our great culture!"⁸⁸. Therefore, the twentieth-century Uzbek literature, in particular, literary criticism, has a special place in the history of literary and aesthetic thinking. One of the most important issues is the scientific substantiation of the materials of Uzbek literary criticism, which have an impact on the literary process, and the features that distinguish them from each other. For almost a century, the work of Oybek, a man of many talents, has been regularly studied by literary critics, which led to the formation of the science of Oybek studies. The study of Oybek's scientific activity and works, the systematic analysis of the stages of the study of his literary and aesthetic views play a special role in the development of the field.

The given dissertation has been fulfilled according to the requirements of the following laws and regularities as the decree of the President of the Republic of Uzbekistan dated May 13, 2016, PD-4797 "On the establishment of the Tashkent State University of Uzbek Language and Literature named after

⁸⁸<https://uzreport.news/politics/shavkat-mirziyoyev-alisher-navoiy-nomidagi-ozbekiston-milliy-bogida-barpo-etylgan-adiblar>.

Alisher Navoi", February 17, 2017, PD-2789 "Activities of the Academy of Sciences, organization of research, on measures to further improve management and financing ", PD-2995 of May 24, 2017 "On measures to further improve the system of preservation, research and promotion of ancient written sources ", PD-3271 of September 13, 2017 "On a comprehensive program of measures to develop the system of publishing and distribution of book products, increasing and promoting the culture of reading", PD -3775, adopted on 5 july, 2018 "On additional measures to improve the quality of education in higher education institutions and ensure their active participation in comprehensive reforms in the country", PD – 6097, from 2020 "On adopting the developmental conception of the science until 2030".

The appropriateness of the research to the prior directions of the development of science and technologies.

This research was carried out in accordance with the priorities of the development of science and technology of the republic 1. "Formation of a system of innovative ideas and ways to implement them in the social, legal, economic, cultural, spiritual and educational development of an informed society and democratic state."

The scope of study of the problem.

In the world literature, the research has been conducted to analyze and study the personality of the literary scholars, their scientific and creative activities, their literary aesthetic worldview, their literary and critical works along with the monographs, theses, articles and notes on the works of particular writers⁸⁹.

